

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 221 (4680).

9

НОВАБРЬ

ПАЙШАНБА

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ МАМЛАКАТИ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 55 ЙИЛЛИГИНИ ЗҶР ТАНТАНА ВА ШОДИЁНА БИЛАН НИШОНЛАДИ.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ БУЗИЛМАС БУЮК БИРЛИГИНИ, СОВЕТ КИШИЛАРИ КПСС XXIV СЪЕЗДИ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИШ УЧУН ҚАТЪИЙ АҲДУ-ПАЙМОН ҚИЛГАНЛИКЛАРИНИ ЯНА БИР МАРТА НАМОЙИШ ЭТДИ.



МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН. 1972 ЙИЛ 7 НОВАБРЬ.

А. ПАХОМОВ ва А. ХРУПОВ фотолари. («Правда»дан).

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

Элик бешинчи Октябрь... Бу байрам давлатимиз тарихидаги улуғ айём — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида этиб келди. Бу юбилейга тайёргарлик КПСС XXIV съездининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун умумхалқ кураши белгиси остида ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съезида қилган докладыда қуйидаги сўзлар бугун алоҳида куч билан янграмоқда: «Бизнинг мамлакатимизда социалистик қурилиш йилларида кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. Биргаликда қилинган меҳнатда, социализм учун курашда, социализмни ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда синфлар ва эллар ўртасида янги, гармоник муносабатлар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари пайдо бўлди. Бизнинг кишиларимиз марксист-ленинча идеологиянинг муштараклиги, коммунистик жамият қуришдаги юксак мақсадларнинг муштараклиги билан яшилди. Қўн миллатли совет

халқи ана шу монолит жиқлигини ўз меҳнати билан, Коммунистик партия сиёсатини яқдил маъқуллаши билан намойиш қилмоқда».

Ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида мамлакатимиз босиб ўтган йўлга — кураш ва қаҳрамонона бунёдкорликларнинг шоғли йўлига қайрилиб қарасангиз октябрнинг дастлабки йиллари қандай нишонланганлиги мана шу байрам кунларида беихтиёр эсга тушади. Уша йилларнинг юзли нафаси, тарихнинг ўзи айтаётган овоз газеталарнинг саҳифаларида бизга этиб келди. «Правда» газетаси 1922 йил 7 ноябрда бундай деб ёзган эди: «Биз коммунизм учун курашмоқдамиз... Ер юзиде куллар, мискилар, хуқуқсизлар, ҳўрланганлар бўлмасин деб, умримизни қўрбон қилиб, бутун эҳтирос ва курашни сафлалаб, барча асабларимиз ва мускулларимизни ишга солиб кураш олиб бормоқдамиз...»

Биз коммунизм учун курашмоқдамиз... Бу сўзлар Октябрь революциясининг ҳар йили байрамни таърифта қўра меҳнатдаги янги бунёдкорликлар билан, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги янги муваффақият-

лар билан кутиб олаётган совет кишиларининг — бутун совет халқининг ҳозирги ишлари ва истақ-орзуларига нақадар ҳамохан!

«Яна сал вақт ўтгач, мамлакат бош майдонининг гранит тошлар ётирилган саҳнидан ҳарбий парад қатнашчилари ўтади ва уларнинг кетидан намойишчиларнинг байрам колонналари майдонга кириб келади. Ҳозир эса Қизил майдон соқини турибди. Қизил алвонларнинг ва байроқларнинг ҳиллираши, ҳозир бу жимликни бузиб турибди.

Фахрий меҳмонлар учун ажратилган трибуналарда — меҳнат қаҳрамонлари, Москва заводларининг, фабрикалари, қурилишларининг энг яхши кишилари, Москва ва областидеги колхозлар ва совхозларнинг илгорлари, фан ва маданият арбоблари, космонавтлар туришибди. Москвадаги чет эл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, жуда кўп ҳорижий меҳмонлар ҳам шу трибуналарда туришибди. Социалистик мамлакатларнинг вакиллари, касаб-соҳаларнинг, ишчилар, ёшлар ва болалар ташкилотларининг вакиллари, кўздан кўпроқ давлатдан — бизнинг пойтахтимизга Улуғ Октябрь байрамини нишон-

ламоқ учун келишган, бу байрамда қатнашиш учун келганлар орасида тинчлик ва халқлар орасида дўстлик учун курашган кишилар ҳам кўп.

Эрталаб соат 10. Қарсанлар кудратли «Ура» сазолари майдон уюва зўр тўнги бўлиб янгради. «КПССга шон-шарафлар!», «Коммунистик партиянинг ленинча Марказий Комитетига шон-шарафлар бўлсин, шон-шарафлар бўлсин!» деган хитоблар янгради. Москваликлар, пойтахт меҳмонлари партия, ҳукумат раҳбарларини қизғин ва самимий табриқлайдилар. Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Маэузов, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Сулово, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Кашитонов, К. Ф. Катусев ўртоқлар мавзолейнинг марказий трибунасида чиқадилар.

Мавзолейнинг ўнг қанотида Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турларининг маршаллари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг генераллари ва адмираллари туришибди.

Ҳарбий парад қатнашчилари бир текис сарф тортиб туришибди. Бугунги парад — юзичи, юбилей парад.

(Давоми 2-бетда).

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА БАЙРАМ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 7 ноябрда Улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 55 йиллиги муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Кремлдаги съездлар саройида ўтказилган қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретар-

лари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзолига кандидатлар, КПСС Марказий ревизио комиссиясининг аъзолари, партия ветеранлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, давлат комитетларининг раислари, Совет Иттифоқи маршаллари ва қўшин турларини маршаллари, генераллар ва адмираллар, марказий идора ва муассасаларнинг раҳбарлари, СССР космонавт учувчилари, са-

лоат ва қишлоқ хўжалиги илгорларини аъзолари ва Марказий Комитет аъзолига кандидатлар, КПСС Марказий ревизио комиссиясининг аъзолари, партия ветеранлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, давлат комитетларининг раислари, Совет Иттифоқи маршаллари ва қўшин турларини маршаллари, генераллар ва адмираллар, марказий идора ва муассасаларнинг раҳбарлари, СССР космонавт учувчилари, са-

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Хурматли меҳмонлар!

КПСС Марказий Комитетининг СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг топиштурувга бинозан сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги билан самимий табриқлайман. (Қарсақлар)

Биз ҳали яқиндагина қаҳрамон шахар Москва меҳнаткашларининг зўр таассурот қолдирган намойишнинг шоҳиди бўлдик. Ана шундай байрам намойишлари Советлар мамлакатининг ҳам бўлиб ўтди. Халқимизнинг қўнги тоғ ва шод. Совет кишилари ўзининг улуғ байрамини натта галабалар билан кутиб олди. Бу галабалар КПСС XXIV съезди белгилэб берган социал-иқтисодий ўзгаришларнинг улуғвор программаси муваффақиятли амалга оширилётганлигини яққол исбот қилди.

Биз бутун қаҳрамон совет ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонларга самимий миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиламиз. Уларнинг меҳнати ва қўбиллиги тўғрисидаги социалистик Ватанимизнинг кудрати барпо этилмоқда.

Партия олимлар ва маданият арбобларининг иқодий меҳнатини, бутун халқ энгиларининг меҳнати нинг қўн қадрайди. Улар социалистик Ватанимизнинг равақи

учун ҳормай-толмай курашмоқдалар.

Москва гарнизони қўшинларининг бугунги бир юзичи парадий қатнашчиларига ва улар сиймолида Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг барча шавкатли қатнашчиларига байрам муносабати билан қўн самимий табриқларимизни йўллаймиз. Шавкатли жангчиларимиз совет кишиларининг тинч бунёдкорлик меҳнати ва давлатимиз чегараларининг дахлсизлигини мустаҳкам қўнқилаб турибдилар. (Давоми қарсақлар)

Биз шонли ёшларимиз коммунизм тантанаси учун курашда айтиб қатнашётганликлари билан ҳам фархланамиз. Биз мамлакатимизнинг келажикдан хотиржамимиз — революцион курашчилар, социализм қурувчилар аълодининг муносиб, ишончли ўринборсарлари бор.

Бизнинг мамлакатимиз улуғ байрам — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кўннинг 50 йиллиги арафасида турибди. Ватанимизнинг барча халқлари социализм ва коммунизм қуришда иборат бўлиб ишга жуда катта ҳисса қўнмоқдалар. Советлар мамлакатининг халқларининг дўстлиги ва қардошлиги мустаҳкам ва бузълмасдир. Бизнинг Ватанимиз ана бутун халқ энгиларининг меҳнати нинг қўн қадрайди. Улар социалистик Ватанимизнинг равақи

ваффақиятларга эришди. Шу сабабли биз Улуғ Октябрьи шарафлаш билан мамлакатимиздаги барча халқлар ва миллатларни, уларнинг гам-ташвишларини, муваффақият ва галабаларининг самараларини қардошларча баҳам қўриб, бир онлада яшашга иштирокчиларини шарафлаймиз.

Қадрли чет эллик дўстларимиз, хурматли меҳмонлар! Биз сизларга байрамимизда қўриб хурсанд бўлдик. Бизнинг Партиямиз ва Ҳукуматимиз эр юзиде мустаҳкам тинчликнинг қарор топтиришдек юксак гоёлларга амал қилиб, социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш учун, давлатлар ва халқларнинг тинч-тоғув яшашда иборат ленинча принципларининг тантанаси учун, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги учун иччил кураш олиб бормоқдалар.

Коммунизм қураётган совет халқига шон-шарафлар! (Давоми қарсақлар)

Яшасин барча галабаларимизнинг ташкилотчилиси ва илҳомчилиси коммунистлар партияси! (Давоми қарсақлар)

Эр юзиде тинчлик, халқлар ҳамкорлиги ва дўстлиги ҳамини тантанга қилсин! (Давоми қарсақлар)

Байрамимиз қўнлуғ бўлсин, азда совет халқи! (Гуздурос, давонли қарсақлар)

Қабул маросими қўн самимий вазиғда ўтди.

Қабул маросими қатнашчиларига байрам концерти қўн берилди. (ТАСС)

ҲУР РЕСПУБЛИКАЛАР ИТТИФОҚИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Умумхалқ Октябрь байрамини бу йил ўзбекилар дегирга ажойиб ясиноб келди. Пахта йилми-теринининг қаҳрамонлари шарафига, тенг ҳуқуқли Совет Республикалари Иттифоқининг олтин юбилейи баҳодирона меҳнат зафарлари билан кутиб олаётган меҳнаткашлар шарафига галаба сазолари байрам қўнвочини янада ошириб юборди. Тошкент меҳнаткашлари шонли йилликни зўр шавқ-заъ билан нишонладилар. 7 ноябрь эрталабдан кўндан-кўн колонналар анганавий парадлар ва намойишлар ўтказилганлар — Ленин майдон сари йўл олди.

Тошкентлик ҳар бир кишининг қалбига азиз бўлган бу майдон, парадлар хибони ҳам бой либосга безанган эди. Илҳий ҳайкалининг орқасида қад кўтарган бино

пештоқда марксизм асосчиларининг, партия Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоларининг портретлари, КПСС Марказий Комитети Октябрь қаҳриқларининг сўзлари ёзилган қизил алвонлар кўнга ташланиб турибди. Ленин партияси ягона дўстлик оиласида бирлаштириб турган иттифоқдош республикаларнинг герблари ялтаради. Янги қад кўтарган баланд бинонинг томи остидаги рақам пахта учун курашининг жуда яқин қўнган маррасини — 4 миллион 550 миң тонна пахта топиширлагини кўрсатиб турибди. Байрам

арафасида ана шу муҳим маррага эришини йўлида яна бир қадам кўн қадрайди — далаларда йиллик план бақарилганлиги тўғрисида хабар келди. Ҳа машиналарининг бункерларидан икки миллион тонна пахта тўнкан меҳнатдорлар ўз сўзларига вафо қилдилар.

Меҳмонлар ўтирадиган минбарлар одамлар билан лиқ тўла. Бу ерлардаги жойларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, Тошкент область ва шаҳар партия комитетининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР

Олий Советларининг депутатлари, революция ветеранлари, меҳнат қаҳрамонлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари эгаллашган.

Эрталаби соат 10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимов, А. Д.

(Давоми 2-бетда).

ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

УЛУГ Октябрь Социалистик революциясининг шонли 55 йиллик байрами барча жойларда бўлгани каби областимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳам зўр шоду-хуррамлик билан нишонланди. Меҳнаткашларнинг бўлиб ўтган байрам намойишларида партия ва ҳукумат ишига садоқат ҳисси, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари яна бир бор намоён бўлди.

АНГРЕН

Эрталаб соат 10. Тантанавор марш садоқлари намойишчилар колоннасини майдон сари чорлайди. Олдиди мактаб ўқувчилари, хунар-техника билим юрталарининг студентлари. Улар билан нома-из қончилар ва энергетиклар, бинокорлар ва эиелдлар колонналари келмоқда.

Қончилар шонли байрамни ёруғ юз билан кутиб олдилар. Улар ўтган ойларида планга қўшимча равишда 121 миң тонна кўмир қазиб чиқариб, истеъмолчиларга юнатдилар. Энергетиклар эса пландан ташқари 19 миллион 784 киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилиб, юқори вольтли сымлар бўйлаб завод ва фабрикаларга, ишчи ва деҳқонлар хонадонига узатдилар.

Саноатчилар ўн ойлик топиригини муддатидан ўн бир кун олдин адо этдилар. Пландан ташқари 2 миллион 460 миң сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу кўрсаткич манбуриятда қўлланганидан 181 миң сўмликка кўндр. Мана шу муваффақиятларни кўлга киритишда муносиб ҳисса кўшган илгорлар бугун намойишчилар сафида ёруғ юз билан ўтиб бормоқдалар. Улар энди юбилей йили топириқларини ҳам барвақт адо этиш юзасидан бошланган мусобақанинг байроқдори бўлмоқдалар.

БЕКОВОД

УЛУГ Октябрь социалистик революциясининг 55 йиллиги шарафига бошланган мусобақага шу айём арафасида яқин ясади. Узбекистон металлургия заводи, шахар ташлаштириш бошқармаси ва 16-автобаза коллективлари байрам мусобақасининг голлиби бўлиб чиқдилар. Улар ички резервлардан унумат

фойдаланиб, ўн ойлик топириқини шаҳарда биринчилар қатори адо этдилар ва қўшимча кўйлаб маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Шаҳарнинг бошқа саноат корхоналари ҳам шонли сана арафасида ўн ойлик меҳнат натижаларига яқин ясадилар. Рақамлар қувончли эди. Шаҳарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш топиригини 101,8 процент адо этилган эди.

Шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб ўтиб бораётган намойишчилар чехрасидан шунинг учун ҳам табассум арималанти.

Металлургия, цементчилик, ремонтчилик ва энергетиклар қолонналари уара суанб бораётган трансавантлар, шнорлар ва байроқлар кўчаларни тўлдириб юборган. Намойишчилар кўлида гуя, чехраларида табассум. Бинокорлар ҳам минбар олдида ёруғ юз билан ўтиб бормоқдалар. Улар ҳозир сирланган идишлар цехи, кровать заводи каби йирик объектларни буёб аптомоқдалар. Байрам арафасида цемент комбинатида майдалаш саралаш заводининг биринчи навбати ишга туширилди.

Юбилей йилида шаҳарда яна бир олам ўзгаришлар содир бўлади.

ОЛМАЛИҚ

ЛЕНИН проспекти бўйлаб бораётган намойишчиларнинг ниҳоси кўринмайди. Улар орасида кон-металлургия комбинати қўроғшин бойитиш фабрикасининг флотатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Надежда Воспитаникова, Қалмоққир қони пармалаш станогининг мапшинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қосим Сафаров, кўроғшин қони экскаватор мапшинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Толмачев

ва бошқа илгор ишчилар кўзга ташланади. Шаҳар меҳнаткашлари юбилей йили топириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Ун ойлик план асосий кўрсаткичлар бўйича шараф билан адо этилди. Қўшимча кўйлаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Байрам колоннасида қадам ташлаб бораётган ишчиларнинг аксарияти рационализаторлардир. Янгилик ишкорлари ўтган ойларида миңдан ортиқ таклифи ишлаб чиқаришга жорий этдилар ва ўз корхоналарига 2,5 миллион сўмлик фойда келтирдилар. Янги техника ва технологияни жорий этиш туфайли кўрилатган фойда ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

Икки байрам ўртасида шаҳарда биргалай ўзгаришлар содир бўлди. Янги турар-жой кварталлари, кенг-кенг кўчалар, буёб этилди, саноат корхоналарида қўшимча қувватлар ишга туширилди. Янги корхоналардан ҳисобланган рўзғор ҳимиси заводи, аммофос заводи коллективлари ҳам бугунги байрам намойишчилари сафида ўтиб бормоқдалар.

ЧИРЧИҚ

Байрам намойишлари шаҳарда зўр уюшқоқлик билан бошланди. Ленин майдони сари шимол томондан трансформатор заводи ишчилари, жануб томондан эса Узбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмалли металлургия комбинати ишчилари кириб кела бошлайдилар.

Узбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмалли металлургия комбинати ишчилари СССР Рағли металлургия саноати министрини корхоналари коллективлари билан мусобақалашиб, ўтган кварталларда бўлгани каби учинчи кварталда ҳам пешқадам бўлиб чиқдилар. Улар ўн ойлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар. Пайвандловчи Антмуҳамедов, апаратчи Валентьев каби илгор ишчилар бу ютуқларга айниқса кўп ҳисса қўшдилар.

Трансформаторчилар ва ме-

таллургия колоннасига машинасоалар ва кимёлар колоннаси улаиб истади. «Узбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводлари, электрхимия комбинати коллективлари ҳам бу шонли айёмни меҳнатда айойиб ютуқларни кўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Машинасоалардан Уваров, Карпенко каби илгорлар шу кеча кундузда 1973 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Чирчикчилар бу йил ўрта Чирчиқ райони пахтакорларига яқиндан ёрдам бердилар. Улар кўли билан беш миң тонна «оқ олтин» териб олди. Колонналарда ўтиб бораётган ишчиларнинг аксарияти мана шу улкан хирмонга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

ЯНГИЙУЛ

БАЙРАМ намойишлари кенса коммунистлар бошлаб беришди. Бунинг рамзий маъноси бор эди. Чунки, революция галабаларини мустаҳкамлашда ва ёш Советлар ҳокимиятини ички ҳамда ташқи душманлардан асраб қолнишда шу кенса коммунистларнинг роли катта бўлган. Улар кўксидидаги орден ва медаллар оталаримиз ва аналаримиз босиб ўтган шонли йўлга гуваҳдир.

Янгийул шаҳри меҳнаткашлари ўн ойда планга қўшимча 518 миң сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Ҳозир шаҳарда беш йиллик муддатдан олдин бақариш юзасидан бошланган мусобақа тобора кенг кўзюб ёймоқда. Пойафзал фабрикасининг тўрт юздан ортиқ ишчиси келгуси йил ҳисобидан маҳсулот тайёрламоқда. Улар тежалган ҳам ашдан ҳозиргача 37,5 миң жуфт болалар пойафзали ишлаб чиқардилар. Илгорлар майдон узра ўз муваффақиятларини кўз-кўз қилиб ўтиб борадилар.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ Газалкент, Пискент, Азимкент шаҳарлари ва бошқа районларида ҳам меҳнаткашларнинг намойишлари бўлиб ўтди. Эрта тонгда бошланган байрам шодидеялари кеч тунгача давом этди.



В. И. Ленин номи майдондан меҳнаткашлар намойиши пайтида Оржоникидзе районидаги Ленин номи колхоз сабаветкорлари колоннаси улуғ айёмни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олганини кўрсатди.

ҲОСИЛДОРЛИК 52 ЦЕНТНЕРДАН ОШДИ

Машҳур пахтавор, Пискент районидан Тейман номи колхозининг доғдори Ҳасимовлов Қодиров бошчилиги қилаётган бригада аъзолари юбилей йилида айойиб ютуққа эришиб, 120 гектар майдонда юқори ҳосил ештирдилар. Республикада биринчи бўлиб, ҳар гектар ердан 52 центнердан ҳосил кўтардилар. Ўз хирмонига 600 тоннадан оғир дурдона тўкилди. 200 тонна аёло сифатли уруғлиқ пахта топирилади.

Бригада заршуносларининг бу унлик зафарига механик-ҳайдовчилар айниқса катта ҳисса қўшдилар. Абдуманнон Қўшасев, Абдиқали Исмаев каби «саяғори кема» капитанлари пў

қунгача 150—200 тоннадан ошириб, Рисиқ Наимова, Маҳбуба Ҳасанбоева, Малик Умурзоқова каби теримчилар марсузда 8—10 тоннадан пахта тердилар.

— Ҳали далаларимизда ҳосил кўл, — дейди Ҳасимовлов Қодиров, — биз ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга сўз берган эдик. Ваъданиннинг устидан чиқдик. Эндиги кураш ҳоёлининг бир грамминин ҳам ноубуд қилмай. Янги-териб олинш ва ҳар гектар ердан давлатга яна 5 центнердан пахта топиришдан иборатдир. Бу — СССР ташкил топан қувининг 50 йиллик олтин тўйига олтин тўёнамиз.

Х. ТўРАЕВ.

ИЧКИ ТАБРИК

ФАХРЛАНАМАН

Улғим Ватан хизматида йигиртик бурчини адо этипти. Шу жуллини ёздим-у, беҳиёрти қалбим фахр туйғулари билан тўлиб-тошди. Чунки, йигит деган сўз менга жулда ёқиб тушди: ўғлим яқиндагина кўз олдимда ёш боладек юрган эди. Бугун эса армия хизматида ҳарбий техника сирларини ўрганяпти. Кўни кеча ундан хат олдим. Жаволидан юрак сўзлари би-тилган мактубида сафдошлари, командирлари, ҳамда ҳарбий машқлар тўғрисида зўр ҳаяжон билан хитоя қилди.

— Дода, — деб ёздим у, — кеча ўн миң метр масофага марш бросок машқларини ўтказдик. Машқдан сўнг командирим менга «лохиде рехматоме

эълон қилди. Бундан ташқари, спорт разрядлари нормаларини муваффақиятли топиридим. Армия хизмати жулда қизқирган ва жисмоний жиҳатдан фойдалан экан.

Улғининг мактуби мени бе-ихтиёр ўйга толдириди. Улуғ Октябрь ниқолидан кейинги давр, айниқса Узбекистоннинг ССР Иттифоқига қўшилганидан кейинги равнақи кўз олдимда бир-бир намоён бўлди. Жаволидан хизмат қилётган қисмидаги турли миллат вакилларининг дўстлиги, биродарлиги ҳақида ёздим. Ветанимиз эришган ҳозирги юксак тараққиёт куч-қудрат мана шу интернационал дўстлик туфайли. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг шон-шукратини, даҳслилигини ҳам ана шу интернационал дўстлик — турли миллат вакиллари бўлган фар-

зандаримиз ҳимоя қиляпти. Биз улар билан ҳар қанча фахрлансак эришдик.

Бугунги кутлуг айём арафасида ўғлимни, унинг сафдошларини, ҳамда уларга раҳнамоллик қилаётган командирларини бутун ойма аъзоларимиз номидан Октябрь байрами билан чин кўнгиқдан табриклайман.

Сайфуддин НАСРИДДИНОВ, Тошкент темир кўл бошқармасининг ишчиси.

ҚИШЛОЎМИНИ ҚЎМСАБ...

Кутлуг айём арафасида Ватанимизнинг ҳамма бурчакларидаги каби бизнинг қисимимиз ҳам шодидея байрам кайфиятида

эди. Ошна оғайинлар, дўстлар чехрасида шодон табассум. Одатдаги жанговар машқлар ҳам бу кунларда қандайдир куторинки руҳ, аёло кайфият билан давом этди. Транкворкалардан сўнг хордиқ онларига бир зум аққа қолсанг хаблнинг урга, она қишлоққа кўл олади. Бу ерда дўстларинг қанча кўп бўлмасин, барибир болаликда тупроқ ўйнаб бирга ўсган ўртоқларинг доим кўз олдингда бўларкан. Айниқса, она қишлоқдан олсида бўлган мана шундай чоғларда улар меҳри, хабли қалбига ҳазин туйғулар бахш этади...

Мен Бекобод районининг Хос қишлоғида туғилди ўсганман. Мактабини туғатиб, Ниҳомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтида ўқидим. Олий

маълумот олган, Ватан иззатига овландим. Мана, ҳазратимиз ҳам армн ўтиб қолди. Кўл жоиларни кўрдим, кўл шаҳарларда бўлдим. Лекин ҳеч бир ерин ўз қишлоғимга ўшатиолмадим. Аслида эса бутун Советлар Иттифоқи — менинг Ватаним. Унинг армн асрлик юбилейига сафдошларим қаторида муносиб ҳисса қўшишга, жанговар ҳамда сийси таёғарғилида юксак кўрсаткичларга эришишга ҳаракат қиламан.

Бугун эса ўзим ва сафдошларим номидан пектакор халқимни, ота-оналарим ва ҳамқишлоқларимни ўтган байрам билан муборакбод этаман!

Тоҳир ҚУШМУРОДОВ, Н.қисм.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Бекобод районидида машҳал «Ленинград» совхозининг қатор бригадалари галаба рапортларидан қувомоқдалар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсулбой Файзиев етакчилиги қилаётган 3-бўлимдаги Бозорбой Санов бошлик бригада аъзолари ҳам совхозда биринчилар қатори йиллик планни ўринадилар. Ҳосилнинг асосий қисми машиналарда терилди. Бригаданинг меҳр механик-ҳайдовчиси Сав-

дулла Омонов хирмонга 85 тонна пахта тўқди.

Бригада пахтакорлари давлатга гектаридан қўшимча 8 центнердан «оқ олтин» етказиб бердилар.

Шу бўлимининг Абдулазиз Мамисолов бошлик бригадаси азаматлари она-Ватанга 112,7 тонна «оқ олтин» армуғон этиб, йиллик пахта тайёрлаш планини ошпириб адо этдилар.

Ш. НУРАЛИЕВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ДЮСЕЛЬДОРФ: ШОНЛИ САНАЛАРГА БАҒИШЛАБ

7 ноябрь. Германия Коммунистик партияси Рейланд-Вестфалия округ ташкилоти РУР областининг йирик саноат маркази бўлган Дюсельдорфда ўтказган тантанали йилгилик шонли саналарга — Октябрь революциясининг 55 йиллигига ва СССР ташкил «тилганлигининг 50 йиллигига бағишланди.

Йилгиликда Германия Коммунистик партияси Рейланд-Вестфалия

ташкилотининг раиси Густав Трамбовский доклады қилди. У КПСС XXIV съезди қабул қилган тинчлик программасининг катта аҳамиятига эга эканлигини таъкидлаб ўтди. ГФРнинг Совет Иттифоқи ва Польша билан тузган шартномалари, деда Г. Трамбовский, социализм мамлакатлари билан самарали ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очиб берди.

Р. НИКСОН ЯНА ПРЕЗИДЕНТ БЎЛИБ САЙЛАНДИ

ВАШИНГТОН, 8 ноябрь. (ТАСС). Р. Никсон тўрт йил муддатга яна Қўшма Штатларнинг президенти бўлиб сайланди. Мамлакатнинг 39 штатида ва Колумбия (Вашингтон) федераль округида берилган овозлар ҳисоблаб чиқилганидан кейин президент Р. Никсон демократик партиядан ўз раёни Ж. Макговернига қараганда 38 штатда анча кўп овоз олганлиги ва 538 сайловчида 398 сайловчига эга бўлганлиги аниқланди. Бу эса сайловда галаба қозониш учун етарлидир. Ж. Макговерн 17 сайловчи овозини олди.

Мамлакатдаги барча сайлов округларининг 41 процентидида берилган овозлар ҳисоблаб чиқилганидан кейин Р. Никсон 21463403 овоз (63 процент), Ж. Макговерн 12404701 овоз (36 процент) олди. Демократлардан президентлик номзод Ж. Макговерн расмий баёнот бериб, ўзининг мағлубиятга учраганини тав олади. Сенатта ҳамда вакиллар палатасида сайлов тўғрисида тўла бўлмаган, айри расмий маълумотлар демократик партиядинг конгресс ҳар иккала палатасида ҳамон кучлики овозини сақлаб қолганлигини кўрсатади.

ЧИЛИ ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ БАЕНОТИ

САНТЬЯГО. (ТАСС). Чили ички ишлар министри Карлос Прайснинг мабурут учун берган баёнотида шу нарса таъкидланди, ҳукумат юк машиналари ағдарли, майда савдогарлар ва корхона ағдарлининг ҳамон давом этаётган ҳамда Чилида экономика ва мамлакат аҳолисини катта зарар етказиб қолганлигини таъкидлади. Шу маъсадда, дейилди ҳужжатда, забастовка катталарининг вакиллари билан яна музокаралар бошланди. Музокараларни ички ишлар, молия, экономика, ривожланиш ва реконструкция министрлари билан корхона ағдарли қасаба союзи бирлашмаларининг раҳбарлари олиб бормоқдалар.



В. И. Ленин номи майдонда меҳнаткашлар намойиши. А. Абдьян фотолари.

СССР 50 ЁШДА

БРАТИСЛАВА. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган «СССР 50 ёшда» деган тўлма бу ерда кўп нуҳада нашр этилди. Совет публицистлари ва тарихчиларининг тўламанга кирган мақолаларида ва илмий материалларида тенг ҳуқуқли совет

ҳалқларининг қардошларча дўстлиги, коммунистик курнлигидаги муваффақиятлари. Улуғ Ватан уруши ва фашининг тор-тор қилинганлиги СССРнинг халқлар тинчлиги ва ҳафсиллиги учун тинчлик олиб бораётган курашга тасвирланган.

АРГЕНТИНАДА

БУЭНОС-АЙРЕС. Расмий маълумотларга қараганда, Аргентинада нарх-наво кейинги бир йил ичида 64 процент ошди. Октябрь ойининг ўзидигина

ҲИММАТЧИЛИК

нархлар 4,8 процент ошди. Мева, сабзавот, кийим-кечак нархи ва жамоат транспорти учун олдиндаган ҳақ айниқса ошиб кетди.

ВАШИНГТОН

(ТАСС). Миллий фанлар академиясининг таълифига бирозан СССР Фанлар академияси президенти М. В. Келдиш бошчилигидаги Совет олимлари делегацияси Қўшма Штатларга бўлди. М. В. Келдиш ТАСС мухбири билан суҳбатда қўйилган савфариимиздан кузатилган асосий мақсад — ҳар иккала мамлакат ўртасида илмий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш шартномаларини муҳомама қилишдан иборат эди. Муҳомама натижасида, деда М. В. Келдиш, ҳамкорликни янада кенгайтириш йўллари белгиланди.


Фойдали Визит

Совет олимлари космосни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг муҳими бўлган бўлишларининг ҳам миллий фанлар академиясининг раҳбарлари билан муҳомама қилдилар. Америка олимлари Совет Иттифоқида илмий тадқиқотларини уюштириши ва ривожланишга катта эътибор бердилар. Биз ҳам АҚШда тадқиқат ишларининг таъкид этилиши билан таъкидлик. АҚШ президентининг фан масалалари билан шуғулланувчи маслаҳатчиси Э. Дэвид билан, миллий фанлар академиясининг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

ДУСТОНА АЛОҚАЛАР

ДАМАШҚ. Совет Иттифоқи Дамашқ—Хомс темир йўлини қуриш учун Сурияга ҳар қил материаллар етказиб берди. Бутунитиғоф «Техноспорт» бирлашмаси билан Сурия Араб Республикаси коммунистиялар министриги ўртасида тузилиб бу ерда имзоланган битимда ана шу ҳақда гаперилади. Коммунистиялар министри Умар Сибаининг айтишича, узулини 108 километр келадиган бу йўл муҳим магистрал бўлиб, Сурия пойтахтини мамлакатнинг энг йирик иқтисодий марказлар билан боғлайди.

ҚИЗИЛ МАЙДОН БЎЙЛАБ...



УЧУВЧИЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ҳар ўн соат учушдан битта си пландайдан ташқари бўлди. Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасининг учувчилари юбилей йили октябр олдидан меҳнат вахтасида шундай меҳнат қилдилар. Бу йил улар қийин шароитларда ишлашлари: ташилмаган юк ҳажми машиналар ларкиннинг икконтларидан ортиқ кўрилади. Лекин биринчи қарадигани шундай туюлади. Республика авиаторлари пландаги кўпчилик кўрсаткичларини ошириб бажара олдилар: ташилмаган юк тонна-километри жаҳатидан ҳам, пассажир обороти, училган соат жиҳатидан ҳам ошириб бажарилди. Махсус авиация учувчилари меҳнатда катта ғалабага эришдилар. Бу йил Ўзбекистон осмонда гўза дефолиациясида рекорд миқдорда 600 чоклик самолёт меҳнат қилди. Улар кўпгина иттифоқдор республикалар авиаторларининг қардошлари мадади билан 2 миллион гектардан зиёд пахтазорга дори секидилар.

Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасининг коллективни эришган мана шу муваффақиётлари, учинчи кварталдаги зарбдор меҳнати учун СССР авиация ходимлари касба соҳаси марказий комитетининг «Ўтма» Қизил байроғи ва биринчи соврини билан мукофотланди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИГА МЕХНАТ САЛЮТИ

НИЖНЕКАМСКИЙ нефть-химия комбинати коллективни Совет Ўзбекистони шарафига қамда СССР ташкил этилган деганини 50 йиллигини нишонлаш юзасидан ўн беш кўнлик меҳнат вахтасида турди ва пландан ташқари юзлаб тонна каучук ишлаб чиқарди ва қарқ минг сўмдан кўпроқ фойда кўрди. Татаристондаги шу муҳим корхонанинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари дастлаб белгиланган маррадан ўзиб ўтдилар.

НИЖНЕКАМСКИЙ нефть-химия комбинати ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми номига юборган телеграммада қардош Ўзбекистон меҳнаткашларига Совет Иттифоқининг олтин юбилейини КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, тўқинчи беш йиллик тошпираниларини муддатдан илгари бажариш учун курашда катта муваффақиётлар тилаганликларини билдиридилар. (ЎзТАГ).

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

ОҶАНГАРОН. (Телефон орқали олинди). Район чорвадорлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира боғди. СССР ташкил топган кунининг 50 йиллик олтин тўйини муносиб совғалар билан кўтиб олиш учун бу йил эр гайрат кўрсатиб, меҳнат қилдилар. Улар чорвачиликни ривожлантириш, махсусдорликни ошириш борасида қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Район чорвадорлари 30 октябрда давлатга сўт сотиш планини муддатдан олдин муваффақиёт билан адо этдилар. 4865 тонна ўрнига, 4900 тонна сўт соғиб тошпирдилар. Ҳар беш сигирдан соғиб олинган сўт ўтган йилга қараганда 100 килограмм, жайми бўлиб 410 тонна ортиқдир.

Эришилган бу муваффақиётга 1-«Оҳангарон» ва «Ғаллақудуқ» совхозларининг чорвадорлари қўшган ҳиссаси каттадир. 1-«Оҳангарон» совхоза 1200 тонна ўрнига 1355 тонна, «Ғаллақудуқ» совхозан эса икки йиллик сўт сотиш давлат планини бажарди.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОНДА УТҚАЗИЛГАН МЕХНАТКАШЛАР НАМОЯИШИДА ОТЛИК МИЛИЦИЯ КОЛОННАСИНИНГ ҲАМДА СПОРТЧИЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММАСИ, УЮШҚОҚЛИК БИЛАН УТДИ.

А. АБАЛҲАН фотолари.

ЮБИЛЕЙ ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА ШУНИНГ 8 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи ступ — бир кунда тайёрланган пахта, иккинчи ступ — мавсум бошдан бери, учинчи ступ — шу жумладан бир кунда машинада тайерлани, тўртинчи ступ — мавсум бошдан бери				
Оқдўғрон	0,13	116,36	0,05	124,73
Пискент	—	109,35	—	105,30
Бекөбед	0,28	106,71	0,37	102,56
Бўна	0,09	104,25	—	100,63
Ўрта Чирчиқ	0,02	103,47	—	103,52
Юқори Чирчиқ	0,02	103,21	—	101,70
Янгийўл	0,16	101,79	0,03	110,43
Область бўйича:	0,11	107,13	0,06	109,55

Журнал ТАҶМАСИ

Пахта тайёрлаш йиллик планини муддатдан олдин бажарганликлари учун область «Хур мат тахтаси»га ёзилдилар.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ўзбекистон» колхоз (райси Пак, партия ташкилотининг секретари Утабоев, касабасоюз ташкилотининг раиси Югай, комсомол ташкилотининг секретари Шахматдинов, бош агроном Пак, бош инженер Ли ўртоқлар).

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Киров номи колхоз (райси Юсулов, партия ташкилотининг секретари Соборов, касабасоюз ташкилотининг раиси Алиев, бош агроном Сулаймонов, бош инженер Раҳматуллаев ўртоқлар). «Октябрь 40 йиллик» колхоз (райси Саулякии, партия ташкилотининг секретари Тургунов, касабасоюз ташкилотининг раиси Болтабоев, комсомол ташкилотининг секретари Тилолов, бош агроном Меҳралиев, бош инженер Руд ўртоқлар).

Жданов номи колхоз (райси Вайризаев, партия ташкилотининг секретари Угай, касабасоюз ташкилотининг секретари Рустамонов, комсомол ташкилотининг секретари Саидов, бош агроном Чупонов, бош инженер Журабоев ўртоқлар).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Ленин номи колхоз (райси Каримов, партия ташкилотининг секретари Ли, касабасоюз ташкилотининг секретари Умурузов, комсомол ташкилотининг секретари Солтев, бош агроном Тухтаев, бош инженер Юсулов ўртоқлар). «Северний маяк» колхоз (райси Ни, партия ташкилотининг секретари Ҳасанов, касабасоюз ташкилотининг раиси Пак, комсомол ташкилотининг секретари Тиловбоев, бош агроном Ким, бош инженер Ким ўртоқлар).

ДЕҲҚОН ШУҲРАТИ

Тахминан ўнгики йил илгари шоль олийинг охирларида Ўрта Чирчиқ районидан Свердлов номи колхоздан бир хабар келди. Бригада бошлиқларидан уч киши гектаридан 45, 50 ва 60 центнердан ҳосил оламиз, деб мажбурият қабул қилди. У пайтларда бундай юқори ҳосил олишга жазм қилиш ҳазил гап эмас эди. Албатта хушбабар ҳаммининг эътиборини тортиди. Йил охиригача ташаббускор бригадаларининг иш натижалари кузатиб турилди. Бирок пировардида турлининг олган ҳосиллари хатто 24—25 центнердан ҳам ошмади. Шундан бери неча йиллар ўтди кетди, Ҳанча сувлар оқиб ўтди. Энди йиша ҳаёлар ҳақиқатга айланмоқда.

Ана шундай юқори ҳосил етиштириш иштиғида юрган, неча йиллардан бери тер тўкиб меҳнат қилаётганлардан бири Мухаммад Исломов эди.

Биз бригада бошлиғи Мухаммад Исломов билан даъда кўраслар уюб ташланган хирмонда вороқ ёнида учрашдик. Ўрта бўйли, соқоллари ўсган, кийи беш йиллар чамасизлиги Мухаммад ун-тўрт йилгит билан инчанлир масъулашлиқ турарди. Маълум бўлишича у 23 йилдан бери пахтачилик билан шуғулланар, илгари табелчилик қилган. Мана неча йилдирки бригада бошлиғи, у бригада бошлиғи бўлиб ишлагандан бери бултур энг юқори 34 центнердан ҳосил олган. Бу йил эса бригада аъзолари гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирди, деб ахд қилишган.

Келатган байрам билан табриклимак, — деди унга ҳамроҳимиз.

Раҳмат. Бу йилги байрамимиз чакки бўлмади. Чирчиқнинг байрам қиладиган бўлди, — деди Исломов.

Унинг бундай деб гапирини бежиз эмас экан. У улуг байрам арафасида узоқ йиллардан бери динига жо қилган юксак орузига эришган. Олдин ва намат дехқон учун бундан ҳам катта бахт ва қувонч бўлиши мумкинми? Ҳозир колхоз аъзолари унинг номини ҳурмат билан тила олашмоқда. Исломов бошлиқ бригада аъзолари

ҳосилдорликда колхозда биринчи, районда иккинчи, ўрнида, деган гап ҳаммининг оғизда. Ростдан ҳам Мухаммад Исломов бошлиқ бригада аъзолари бу йил катта ғалабага эришганлар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ҳозир 43 центнерданга етган. Бу чинакам катта байрам. Улуг байрамга атаган муносиб совгадир.

Колхозда Исломов сингари қувонганлар, улуг байрамга меҳнат зафари билан етиб келган кишилар ягона эмас. Мана Абдуракул Бобоқулов, Эргаш

Нурбеков, Раҳим Қоратоев бошлиқ бригада аъзолари ҳам йиллик планларини 106—125 процент бажариб яхши натижаларга эришганлар. Шунинг учун ҳам колхозда йиллик план 111 процентдан ошириб бажарилган. Планга нисбатан етиштирилган ҳосилнинг 79,6 проценти машина билан териб олинган.

Пахтани тез териб олишда механик хайдоқчилар, илгор термичларнинг ҳиссалари катта. Сулаймон Шохов, Осмон Шохов, Турғун Насриддинов, Усмонов Юсулов сингари илгор механик хайдоқчиларнинг ҳар бири мавсумда 145—166 тоннага етказиб пахта тердилар.

Марал Юсулова, Дилбар Назаралиева, Қарима Жумабоева, Гулан Серканиева сингари аёлларнинг номларини ҳамма хурмат билан тила олади. «Бизнинг чебарларимиз» дейишди. Чунки бу аёлларнинг ҳар бири мавсумда 8—12 тоннадан пахта териб юксак мадорат кўрсатишган. Уларнинг иш натижалари кўпларга ибрат бўлган.

Катта йўлда колхозчи Абдуазим Жалолов билан учрашиб қолдик. «Жингули» марказий йилги машина кабинетидан бошини чиқарган Абдуазим «қани бўёқда» деб машинага ўтиришни талқил қилди. У 20 йилдан

бери колхозда шофёр бўлиб ишлайди.

— Машина муборак бўлсин, дедик.

— Яқинда, мукофотга олдим.

— Шофёрларга мунофот учун машина берилатми? Ингит кулиб қўйди.

Маълум бўлишича у бу йил хотини Зулайхо билан 2 кўти пилла қурти боғиб, рекорд ҳосил олишди. Икки кўти пилла уруғидан олинган ҳосил 314,5 килограмм бўлиди. Яъни ҳар кўти уруғдан олинган пилла ҳосили 157 килограмданга тўғри келган. Шунинг учун у янги «Жингули» энгил машинаси билан мукофотланган.

Ҳақиқатан бу колхоз ҳар тарафлама юксалишти. 1969 йилда 21,6 центнердан пахта ҳосили олган. Колхозда 32 дорлик кейинги уч йилда Дон центнерга етай деб қолди. 1968 йилда 8 дан 13 центнерга, 1969 йилда 50 дан 50 центнерга кўтарилди. Сўт, гўшт, пилла, юн тайёрлаш анча ошган. Бу йилги натижа бултургидан ҳам самаран.

— Бундан унч йил илгари колхозчиларнинг иш кўнига 3 сўм 50 тийиндан ҳақ тўланган эди. Бултур 6 сўм 25 тийиндан бердик. Бу йил бундан ҳам кўнайини мумкин, дейди колхоз раиси Муҳиддин Дусанбоев.

Ҳўжаликда жамоат бинолари қўлайшти, бу йил 200 беш сингир соғадиган янги тила бино қурилди. Қўйлар учун 3 кўра тайёр, механизаторлар учун устакона ёнида ошкона қурилди. Иуда кўп колхозчилар янги уйлар қуришди. Барча колхозчилар меҳнат ғалабалари билан шод во ҳуррам. Улар айёмин, меҳнаткашларини шундай ёруғ қуиларга чиқарган Улуг Октябрь революциясининг 55 йиллигини катта зафарлар билан кўтиб олдилар. Даладарда байрам тароналари аянда. Бино пештоқларида олд байроқ мағрур қилинган. Йўлларга хўш ва қувонч бағишлайди. Байрам тароналари мағрур янграйди.

В. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

маида устаконлари ва раҳбарлари В. Соловьев, В. Канеский, Ҳ. Раҳматуллаев, Д. Шегай ва ҳамма футболчиларнинг катта ютуғидир. Командамиз гarchанд 1963 йил олдин лигадан тушиб, орадан бир йил ўтган, яъни 1964 йилда яна олдин лигага йўлланма олган бўлса-да, ўша мавсумда гуруҳда учинчи ўринни эгаллаган, тўплар нисбати ҳам айтарлик яхши эмас эди. Бу йил командамиз ҳужумкор ўйин кўрсатиб, 37 учрашувда рақиблар дарвозасига 74 та тўп киритди. Командамизга беласи йил олдин лигада ҳам ана шундай уюшқонлик, аҳлилик, ҳужумкор ўйин кўрсатишини истаймиз.

Кеча «Пахтакор» Душанбанинг «Понир» футболчилари билан учрашиб 3:2 ҳисобида ғалабага эришдик.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳчиси.

«Пахтакор» ўз олдига қўйган мақсадни бажарди. Бу юқори баҳо олдилар. Бу тумунарди эди, албатта. Негаки, шу кунин пахтакорлар сафида бу икки футболчи ҳақиқатан ҳам чиройли ўйин кўрсатди.

Пахтакорлар Кривой-Рог командаси билан бўлган матчга агар жоиз бўлса, планни бажарам, социалистик мажбуриятни адо этгани тўғрисида десак бўлади. Футболчиларимиз бу мақсадларига ҳам етидилар. Стадионда дикторлар команда составини тавиштириб улгурмай беш марказдан ёриб кирган яриш хитоячию В. Варюхин меҳмонлар дарвозасини В. Дудинкин доғда қолдириди. Учрашунинг биринчи ярмида меҳмонлар бир неча бор ҳисобни ошириш имконини таъна бўлган бўлсаларда, лекин таблода рақат 5:5-минутга бориб 2:0 рақам пайдо бўлди.

Кейинги тўпларни 71 минутда О. Усов («Кривбасс») ва В. Федоров («Пахтакор») киритдилар.

Реклама ВА Эълонлар



БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

10.55 Кўрсатувлар программаси
Ўзбек тилида: 11.00 — Болалар учун кино-топишмоқ, 12.00 — Учувчилар учун. «Моҳир қулар», 12.30 дан Москва кўрсатади.

Тошкент кўрсатади

19.00 — Кўрсатувлар программаси, 19.05 — КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳафтага «Зарбдор кўришларда» (Ўзбек тилида), 19.40 — «Ахборот» информацион программаси (рус тилида).

Москва кўрсатади

20.00 — Миллионлар ленинча университетини, «Ульяновлар оиласи ҳақида».

Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ахборот» информацион программаси, 20.50 — Ўн минут музика, 21.00 — Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари, 21.15 — Пахтакорлар учун концерт.

Москва кўрсатади

22.00 — «Ваит» информацион программаси.

Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 22.30 — «Эртага» — Совет миллияси кунини, Эшиттириш ва концерт, 23.30 — Рангли телевидение. «Интернационал», Художатли фильм (рус тилида).

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

Москва кўрсатади

19.00 — Воронеж Давлат Рус халқ хорининг концерти.

Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 20.00 — Юбилей меҳнат вахтасида, 20.20 — Врач масъалати.

Москва кўрсатади

20.30 — Хужжатли фильм, 20.40 — «Қизни изланг» Вадий фильм.

Тошкент кўрсатади

22.00 — «Здоровье» Илмий оммабоп программа (рус тилида).

Москва кўрсатади

22.30 — Ҳокимей буйича СССР чемпионати, ЦСМА — «Крилья Советов», 00.45 — Кўрсатувлар программаси, 00.50 — Москва кўрсатуларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади

Рус тилида: 19.00 — Ҳокимей буйича СССР чемпионати, «Спартак» (Тошкент) — «Юкенин Урал» спорт клуби (Орен), 21.15 — Тошкент илгиларини (Ўзбек ва рус тилларида), 21.35 — «Душанбанин эстрадаси». Концерт.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/ХI да Этин илган мушун (буладун), Богмасарой фонгани (кечкурру).

МУҚИМИ НОМИ ҒЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/ХI да Тоғ ғузали.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШИРКИДА — кундуз соат 12, 3 да ва кеч сөөт 8 да Катта байрам томошалари.

КИНО

19 лар комитети — САНЪАТ РАЙОНИ, «ЧАЙНА» (кундуз ва кечкурун).

Оловинг бўйсундирилиши — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун). «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 5.30 минутда, кеч соат 7.30, 9.30, минутларда).

Шер ҳаммага тайёрламоқда — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Шер қабири — «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Қолпон — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 5 да, кеч соат 7 да).

Овн юриб, дови юрмаганлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (орталаб соат 11.30 минутда, кундуз соат 1.30, 3.30 минутларда).

Қурилмиш материаллари сановати министрлигининг

ТОШКЕНТДАГИ ТАЖРИБА-ТЕХНИКА ЗАВОДИ

Тошкент шаҳар ва Тошкент области ташкилотлари га фондиз сөөт бўйича ҳақ тўлаш йўли билан гисдан ишланган 40Х80Х8 см ҳажми дифференци девор тўсиқларини

СОТАДИ

Муронат учун адрес: Тошкент-25, Стеродубов кўчаси, 31-уй, телефон 55-17-27.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийнтеринг босмаханаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64697. Р. 15410. В. 1876.

Спорти

ФУТБОЛ

КИЧИК ОЛТИН МЕДАЛЬ МУБОРАК

«Пахтакор» (Тошкент) — «Кривбасс» (Кривой-Рог) — 3:1 (1:0). Тошкент. Марказий «Пахтакор» стадиони. 4 ноябрь. 16000 томошалар. Судьялар В. Толчинский (Олмаота), Н. Шашенко (Чинкент), С. Будаев (Жамбул).

«Пахтакор»: — А. Говоров — 4, Ю. Басов — 3, В. Штеин — 4, Л. Морозов — 3, Р. Тургунов — 5, Ю. Иванов — 3, В. Варюхин — 5, В. Кузьмин — 4, В. Абдураимов — 4, М. Ан — 4 (Т. Исоев — баҳосиз), В. Федоров — 4 (А. Лисаковский — баҳосиз).

«Кривбасс» — В. Дудин — 2, Е. Вученко — 2, Ю. Новиков — 2, (В. Товчик — баҳосиз), С. Мирошниченко — 2, А. Беда — 3, В. Колодин — 3, А. Зюв — 2, В. Устиничин — 3, О. Усов — 3, В. Ишченко — 2 (С. Вок — баҳосиз, А. Пугачев — баҳосиз), А. Вяткин — 3.

«Пахтакор»га чемпионатда кичик олтин медаль олиб берган ва биринчи ўринни таъминлаган сўитги ўйин тафсилотини шу матча судьялик қилган В. Толчинский сўзи билан бошламоқчимиз.

— Энг аввало ўзим ва дозистонлик спорт муҳлислари номидан «Пахтакор»ни олтин лигага чиққани билан қутлайман. Рақибларда қамин алоҳида ўйна қилиб кўрсатмоқчимиз, деган саволига Тургунов, Варюхин ва қобилитли Федоровлар номини айтмоқчиман. Айниқса, В. Федоровнинг учинчи тўли менга жуда маънавий бўлди. Кривой-Рог командаси ҳақида эса коллективнинг ҳимоя чизили бирмунча бўлигини тавқилламоқчиман. Негаки, «Кривбасс» командаси иштирок этган уч ўйинда судьялик қилишмига тўғри келди. Уччаласида ҳам ҳимоя бўлигини пайқадим.

Команда тренера Ҳ. Раҳматуллаев учрашувдан кейин ўйинчиларга баҳо қўйди. Р. Тургунов ва В. Варюхин энг

юқори баҳо олдилар. Бу тумунарди эди, албатта. Негаки, шу кунин пахтакорлар сафида бу икки футболчи ҳақиқатан ҳам чиройли ўйин кўрсатди.

Пахтакорлар Кривой-Рог командаси билан бўлган матчга агар жоиз бўлса, планни бажарам, социалистик мажбуриятни адо этгани тўғрисида десак бўлади. Футболчиларимиз бу мақсадларига ҳам етидилар. Стадионда дикторлар команда составини тавиштириб улгурмай беш марказдан ёриб кирган яриш хитоячию В. Варюхин меҳмонлар дарвозасини В. Дудинкин доғда қолдириди. Учрашунинг биринчи ярмида меҳмонлар бир неча бор ҳисобни ошириш имконини таъна бўлган бўлсаларда, лекин таблода рақат 5:5-минутга бориб 2:0 рақам пайдо бўлди.

Кейинги тўпларни 71 минутда О. Усов («Кривбасс») ва В. Федоров («Пахтакор») киритдилар.

«Пахтакор» ўз олдига қўйган мақсадни бажарди. Бу юқори баҳо олдилар. Бу тумунарди эди, албатта. Негаки, шу кунин пахтакорлар сафида бу икки футболчи ҳақиқатан ҳам чиройли ўйин кўрсатди.